

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАРИ

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖУРНАЛИ

№ 4 (13) 2017 й.

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК**
ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
ПЕДАГОГИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА

**SCIENTIFIC
BULLETIN**
OF THE TASHKENT
STATE PEDAGOGICAL
UNIVERSITY

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2014 йил 30 июлда рўйхатга олинган. Гувоҳнома №02-00175. Ҳар уч ойда бир марта нашр этилади.

Манзил: 10100, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: 276-75-26
e-mail: tdpuilm@gmail.com

Буюртма № 81. Адади 100 нусха. Ҳажми 20,5 б/т. Бичими 60x84 1/8
Низомий номидаги ТДПУ “Таҳрир ва нашр” бўлимида чоп этилди.
Тошкент Юсуф Хос Ҳожиб 103.

БОШ МУҲАРРИР

Шарипов Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор

БОШ МУҲАРРИР МУОВИНИ

Абдуллаева Б. – педагогика фанлари доктори, профессор

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асқаров А., тарих фанлари доктори, академик
Иноятов У., педагогика фанлари доктори, профессор
Бегимқулов У., педагогика фанлари доктори, профессор
Бешимов Р., физика - математика фанлари доктори, доцент
Джораев М., педагогика фанлари доктори, профессор
Миркомиллов Ш., техника фанлари доктори, профессор
Сапаров Қ., биология фанлари доктори
Шахмурова Г., биология фанлари доктори
Маматқулов Д., биология фанлари номзоди
Алимқулов Н., география фанлари номзоди
Муслимов Н., педагогика фанлари доктори, профессор
Мўминова Л., педагогика фанлари доктори, профессор
Толипов Ў., педагогика фанлари доктори, профессор
Юзликаева Э., педагогика фанлари доктори, профессор
Нэнси Асклес, фалсафа доктори, Azusa Pacific университети профессори, Калифорния
Юми ЛИ, фалсафа доктори, профессор
Исянов Р., педагогика фанлари номзоди, доцент
Холиқов А., педагогика фанлари номзоди, доцент
Садыкова А., педагогика фанлари номзоди, доцент
Мамадазимов М., педагогика фанлари доктори, профессор
Абдуқодиров А., педагогика фанлари доктори, профессор
Козлов В., психология фанлари доктори, Ярославль давлат университети профессори
Мазиллов В., психология фанлари доктори, Ярославль давлат университети профессори
Сафаев Н., психология фанлари доктори, профессор
Нишонова З., психология фанлари доктори, профессор
Мухамедова Д., психология фанлари доктори
Қахрамонов Қ., филология фанлари доктори, профессор
Жалолов Ж., педагогика фанлари номзоди, профессор
Азимов И., филология фанлари номзоди, доцент
Матенова Ю., педагогика фанлари номзоди, доцент
Нуриддинов Э., тарих фанлари доктори, профессор
Қирғизбоев А., тарих фанлари доктори, профессор
Қаҳҳорова М., фалсафа фанлари доктори
Махмудова Г., фалсафа фанлари доктори, профессор
Исмоилов О., иқтисод фанлари номзоди, доцент
Булатов С., педагогика фанлари доктори, профессор
Панжиёв Қ., санъатшунослик фанлари номзоди, доцент
Эргашов М., техника фанлари доктори, профессор
Рихсибоев Т., техника фанлари номзоди, доцент

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЙ-НУТҚИЙ ЛАЁҚАТ

Роза НИЁЗМЕТОВА – ТошДўТАУ Адабиёт ўқитиш методикаси кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

Мақолада даврнинг долзарб муаммоларидан бўлган мутолаа маданияти ва адабий-нутқий лаёқат хусусида фикр юритилади. Бадиий асарни ўқиб-ўзлаштириш, ундан муносиб даражада эстетик завқ ола билиш китобхонлик маданиятини, адабий-нутқий лаёқатни ривожлантириши муҳим манбалар асосида тадқиқ қилинади.

В статье отражены размышление о литературно-речевой компетенции и культуры чтения, который является актуальной проблемой современности. Интерпретируется пути освоение художественной литературы, способы эстетического наслаждения при чтении, который является основным фактором развития культуры чтения книг.

The article reflects reflection on the literary and speech competence and the culture of reading, which is an actual problem of our time. Interpreted are the ways of mastering fiction, the methods of aesthetic pleasure in reading, which is the main factor in the development of the culture of reading books.

Таянч сўзлар: мутолаа маданияти, адабий-нутқий лаёқат, бадиий асар таҳлили, адабий-назарий тушунча

Ключевые слова: литературно-говорящая способность, литературная критика, литературно-теоретическая концепция

Key words: literary-speaking ability, literary criticism, literary-theoretical concept

Мутолаа маданияти, ўз навбатида, китобга кизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Республикамизда китобхонлик даражасини юксалтириш долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши, китобларни сифатли нашр этиш, кутубхоналарнинг сони ва салмоғини ошириш ҳақида махсус фармойиш эълон қилиниши ҳам мазкур муаммони ҳал этиш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Ўқувчиларнинг бадиий асарни мустақил ўқишлари мутолаа маданиятини эгаллаш асносида амалга ошади. Мутолаа маданияти асарни ўқиб, уни адабий-бадиий ва эстетик таҳлил қилишга доир билим, кўникма ва малакалар асосида бажарилади. Бошқача айтганда, мутолаа маданиятини шакллантириш билан боғлиқ таълимий жараён натижасида асарни ғоявий-бадиий идрок этиш имконияти юзага келади. 5–9-синф адабиёт дарсларида ўрганиладиган адабий-назарий тушунчалар, ушбу тушунчалар доирасида асар юзасидан бериладиган савол ва топшириқларга таянган ҳолда ўтказиладиган таҳлиллар мутолаа маданиятининг ҳосил бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт дастурида таъкидланганидек, ўқувчи асарни ўқиб, тўлиқ идрок эта олса, дастур талабларини тўла бажара олади. Жумладан, ёзувчи маҳорати ва асарни ғоявий-бадиий жиҳатдан баҳолай олади; ҳар бир адабий жанр имкониятларидан келиб чиқадиган бадиий-эстетик ҳодисаларга мустақил ва ижодий

муносабат билдира олади; асарларга аннотация ва тақризлар, кичик хабарлар, лавҳалар ёза олади[1].

Ҳар бир синфда ўзлаштириладиган адабий-назарий тушунчалар бадиий таҳлил орқали дастурда белгиланган адабий-нутқий лаёқатни (компетенцияни) шакллантириш тариқасида ўқувчиларнинг имкониятларига айланади. Ўқувчи бадиий асарни ўқиб, унда тасвирланган (ривоя қилинган) воқеалар чизиғини, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини англашларининг ўзи бадиий-эстетик таъсирни англамайди. Асардан завқланиш, асар қаҳрамонларидан завқланишдан ташқари, ёзувчи қўллаган бадиий ифодалардан, бир сўз билан айтадиган бўлсак, асар тилидан завқланишни ҳам ифода этади. Бу борада тадқиқотчи С.Қамбарованинг фикри эътиборга лойиқ: “Аммо асарнинг сюжет қурилиши, композицион тузилиши, ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими, тили ўқув таҳлилининг муҳим шарт бўлиб қолаверади ва у, аввало, ўқитувчи ва ўқувчининг асар ғоявий йўналиши, мавзуси, қаҳрамонлар характерини очиб бериш, тасвирий воситаларни мазмун билан биргаликда ўзлаштириш бўйича ҳамкорликдаги иши ҳисобланади” [2, 12].

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда шакллантириладиган лаёқатлар дарсдан-дарсга, синфдан-синфга мураккаблашиб боради ва 9-синфга келганда нисбий мукамал лаёқатлар шаклини олади. Лаёқатларнинг нисбий мукамалликда бўлиши шунданки, ҳали ўқувчилар ўрганмаган адабий-назарий тушунчалар кўп бўлиб, улар устидаги ишлар касб-ҳунар коллежларида ва олий ўқув юртларида давом эттирилади. Адабий таҳлил кенг қамровли БKM бўлиб, уни бир таълим босқичида тўлиқ, мукамал эгаллаш мушкул. Адабий таҳлил

куйдаги қатор компонентларни ўз ичига олади: “1. Асарда қўйилган тарихий ва ижтимоий муаммо. 2. Ёзувчи нуқтаи назарининг матнда ифодаланиши. 3. Асар мавзуси ва сюжети қурилиши. 4. Адабий қаҳрамонларга хос етакчи хусусиятлар. 5. Асарнинг композицион тузилиши. 6. Бадиий тил хусусиятлари ва услуби. 7. Асарнинг жанрий ўзига хослиги. 8. Ёзувчи ижодининг ўз даври учун аҳамияти, замон билан алоқаси” [2, 13].

Бадиий асарни ўқиб, мазмунини тушуниб уни бадиий таҳлил қилишга доир адабий таълим босқичига монанд БКМлар адабий таълим жараёнида ўрганиладиган адабий-назарий тушунчалар, бадиий тасвир воситалари, ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратини англаш баробарида ривожланади. Шундай бўлган, 5–9-синфларнинг ҳар бирида адабий-нутқий лаёқат шу синфларда ўтиладиган адабий-назарий тушунчалар доираси билан белгиланиши тўғри бўлади.

Айтмоқчимизки, ўқувчиларнинг бадиий асарни мутолаа қилиш маданияти лаёқатлар кўринишида амал қилиб, бирор даражада (таълим босқичи тақозо этадиган) лаёқатни қўлга киритган ўқувчи учун унинг қурби етадиган бадиий асар мустақил ўқиш учун тавсия этилмоғи даркор. Лаёқатли ўқувчи асарни мустақил, лекин тўлиқ англаган ҳолатда бир йўла бадиий таҳлил қилиб ўқийди: асар сюжетини англайди, қаҳрамонларини ажратади, улар орқали асар ғоясига, мазмун-моҳиятига кириб боради, эстетик завқ олади. Ўзи учун керакли ҳаётий хулосаларни чиқаради ва келгусида асар воқеаларидан ҳаётий ибрат тариқасида мисол келтириш йўлидан фойдаланиб, кимларгадир тарбиявий таъсир ўтказади.

Йирик танқидчи ва адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг бу ҳақдаги фикрлари янада эътиборлидир: “Бу ўринда китобхоннинг роли ҳақида ҳам алоҳида гап айтиш керак. Бадиий асар китобхон учун яратилади, унинг гўзаллиги, ундаги туйғулар, фикрлар ўқувчи қалбида акс садо бериб унинг қалбида ҳам

гўзаллик туйғусини уйғотса, унинг қалбидаги ҳисларни алангалатса, уларнинг қўшилишидан асарнинг таъсир кучи вужудга келади. Бироқ китобхон ҳар хил бўлади. Уларнинг баъзилари ўткир дидли, чуқур билимли бўлса, баъзилари ҳали адабиётнинг гўзалликларини тўғри пайқай олмайдиган, улардан етарли баҳра ололмайдиган бўлади. Бинобарин, санъат ва адабиётнинг тарбиявий роли, улардан максимал фойдаланиш ҳақида гапириш ўқувчининг эстетик дидини, бадиий адабиётга тўғри муносабатини тарбиялаш ҳақида ҳам гапириш демакдир” [3, 21].

Бадиий асар мутолаасини адабий таълим жараёнида шакллантириладиган лаёқат билан боғлаш ўқитувчига ҳар бир синфда синфдан ташқари мустақил мутолаа қилинадиган бадиий асарларни ўқувчиларнинг қурби етадиган қилиб танлаш учун асос беради. Агар танланган бадиий асарнинг жанри нотаниш бўлса, унда ёзувчи фойдаланган бадиий тасвир воситалари ёки бадиий санъатлар ўрганилмаган бўлса, асарнинг ғоявий мазмуни ўқувчиларнинг савиясига, ёш хусусиятларига мос келмаса у бундай асарни мустақил мутолаа қила олмайди. Бинобарин, бундай асар унда завқ уйғотмайди, қизиқиш пайдо қилмайди.

Амалиётда у ёки бу синф ўқувчиларининг мустақил мутолаа қилишлари учун асар танлашда фақат мазмун томонига эътибор бериш, бадиий –эстетик дид жиҳатларини ҳисобга олмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, 6-синф «Адабиёт» дарслигида келтирилган “Қоплон”, “Собиқ” ҳикоялари ўрнига бошқа асарларни, юқори синфларда Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин”, Одил Ёқубовнинг “Тилла узук” сингари бадиий юксак асарларини бериш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, бадиий асар мутолаасини ташкил этиш ўқувчиларга шунчаки мустақил мутолаа қилинадиган асарлар рўйхати бўлмаслиги, аксинча, унда дарсдан-дарсга, синфдан-синфга шакллантириладиган лаёқатга қараб амалга оширилмоғи даркор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабиёт фанидан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. – Т., 2016.
2. Қамбарова С. Мустақил мутолаа ва адабий таҳлил. – Т., 2016.
3. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Адабий-танқидий мақолалар. – Т., 1979.

МУНДАРИЖА

АНИҚ ФАНЛАР

Комилжон НАСРИДДИНОВ, Саломат ДАВЛЕТНИЯЗОВ, Азиза ТАГАЕВА. Нейтрино физикаси.....	2
Турсунбой ЖУРАЕВ, Маматсоли МАДИРИМОВ. Некоторые геометрические и топологические свойства ковариантного функтора P вероятностных мер действующего на категории стратифицируемых пространств.....	5
Умида ЯКУБОВА, Нодира ПАРПИЕВА. Проверка гипотезы о неизвестном распределении...	11
Наргиза МИРЗАХМЕДОВА. EXCEL дастурида макросларнинг VBA (Visual Basic for Applications) дастурлаш тили ёрдамида қўлланилиши.....	15
Мохигул АТАЕВА, Олия РАДЖАПОВА. Физик масала ижодий фикрлаш омили сифатида....	19
Гулзейнет АДИЛОВА. Применение метода обобщения на уроках математики как средство по достижению формирования математического мышления.....	23

ТАБИИЙ ФАНЛАР

G'affor BOBONAZAROV, Bobur ISHMO'MINOV, Fayoza KARIMOVA. Baliq va baliq mahsulotlaridan orttirilishi mumkin bo'lgan ayrim kasalliklar xususida.....	28
Ruslan ALLAYOROV, Muxiddin XIDIROV, Mohinur QO'SHABOYEVA. O'zbekistonda biologik va landshaft xilma-xillikni muhofaza qilishning mintaqaviy geoeologik jihatlari.....	31

ФИЛОЛОГИЯ

Роза НИЁЗМЕТОВА. Мутолаа маданияти ва адабий-нутқий лаёқат.....	35
Феруза АЗИМОВА, Муҳайё ЖАМАЛОВА. Ойбек прозасининг поэтик қирралари.....	37
Дильфуза РАШИДОВА. Литературное наследие социально-философских мировоззрений в средней азии 19 века как основа формирования национального самосознания молодого поколения.....	41
Дилбар КУРБАНОВА, Анна ЗАБОЛОТИНА, Мухамад МИРЗААХМЕДОВ. Перевод как вид языкового посредничества.....	46

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

Равшан ХУДАЙБЕРГАНОВ. Ўрта аср Хоразм халқлари маданияти.....	50
Бўри ҚОДИРОВ. Буюк ипак йўлини боғловчи муҳим манба.....	52
Гулчеҳра АБДУКАРИМОВА. Абу Наср Фаробий – Шарқнинг буюк алломаси.....	55
Холмат САМАТОВ, Азиза РАСУЛОВА, Умида НИГМАНОВА. Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фалсафий-тасаввуфий қарашлари.....	57
Шаҳло ХАЛМЕТОВА. Миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	62
Наргиза ЮСУПОВА. Ўқувчиларнинг миллий тафаккурини ривожлантириш хусусиятлари.....	65

ПЕДАГОГИКА

Самар ТУРСУНОВ. Таълимни бошқариш тизимлари ўқув самарадорлигини баҳолаш воситаси сифатида.....	69
Холбўта ТЎРАҚУЛОВ, Феруза РАХМАТОВА, Мадина ТЎРАКУЛОВА. Бошланғич таълимда математик саводхонликни шакллантиришнинг алгоритмик босқичлари.....	73
Istam RAXMONOV. Bo'lg'usi matematika o'qituvchisi metodik tayyorgarligini rivojlantirishda masalalardan foydalanish.....	76
Xurram TANGIROV, Bekzod ALIMOV. Kasb-hunar kollejlari matematika darslarida geometriya bo'yicha elektron qo'llanma ta'limiy imkoniyatlaridan foydalanish.....	81
Маманазар ЖУМАЕВ. XXI аср математика ўқитувчисининг профессионал фаолияти масалалари.....	84
Рискелди ТУРГУНБАЕВ, Расул ҚОШНАЗАРОВ, Муҳайё ЖУРАЕВА. Математик анализ фани бўйича талабаларнинг мустақил ишини табақалаштириш.....	90
Қудрат ЖУМАНИЁЗОВ. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг геометрик тасаввурини ривожлантириш методикаси.....	94